

https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Dm2-vAAAAA&citation_for_view=Dm2-vAAAAA:u5HHmVD_u08C

7. Sindarov F. Standart&Poor's Global Reyting agentligi va O'zbekistonning reytingini baholash amaliyoti. *International Finance and Accounting*, 2022. (1), 25.
8. S&P Global Ratings. "Research Update:Uzbekistan Outlook Revised To Stable From Negative On Reduced Near-Term Fiscal And External Risks; 'BB-/B' Affirmed"-June 4, 2021.
9. Reusens P. & Croux C. Sovereign credit rating determinants: A comparison before and after the European debt crisis. // *Journal of Banking & Finance*. 2017, 77, 108-121.
10. Teixeira J.C., Silva F.J., Ferreira M.B. & Vieira J.A. Sovereign credit rating determinants under financial crises. // *Global Finance Journal*, 2018, 36, 1-13.
11. <https://lex.uz/uz>
12. <https://disclosure.spglobal.com/ratings/en/regulatory/searchresult/searchType/Entity/searchTerm/Uzbekistan>
13. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>
14. <https://www.worldbank.org/en/country/uzbekistan>
15. <https://www.spglobal.com> - S&P Global Ratings
16. <https://www.fitchratings.com/research/sovereigns/fitch-affirms-uzbekistan-at-bb-outlook-stable-01-04-2022>
17. <https://www.moody.com/>
18. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
19. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
20. Исоев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>



ИЧКИ БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мурадова Муборак Юсуфжановна -
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
Бухгалтерия ҳисоби ва аудиткафедраси
таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a23

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари ички банк операцияларини ҳисобини ташкил қилиш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида банк мулклари, даромадлари ва харажатларини ҳисобини ташкил қилиш, молиявий ҳисоботларини трансформацияси муаммолар ва уларнинг ечими ёритилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, ички банк операциялари, мулклари, даромад, харажат, банк активлари ва мажбуриятлари, ҳисоб сиёсати.

ВОПРОСЫ ОТЕЧЕСТВЕННЫХ БАНКОВСКИХ ОПЕРАЦИЙ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Мурадова Муборак Юсуфжановна -
азовый докторант кафедры «Бухгалтерский учет и аудит»
Академии банковского дела и финансов Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье освещены проблемы организации учета внутрибанковских операций коммерческих банков Республики Узбекистан, организации учета банковского имущества, доходов и расходов на основе международных стандартов финансовой отчетности, трансформации финансовой отчетности и пути их решения.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, внутрибанковские операции, имущество, доход, расход, активы и обязательства банка, учетная политика.ти и пути их решения

ISSUES OF DOMESTIC BANKING OPERATIONS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

Muradova Muborak Yusufjanovna -
Doctoral student of the Academy of Banking and
Finance of the Republic of Uzbekistan

Annotation. This article describes the problems and their solutions in the process of organizing the accounting of commercial banks in the Republic of Uzbekistan, the accounting system, the organization of accounting policies based on international standards of financial reporting, the main income and expenses from banking operations, and the transformation of financial reporting.

Keywords: accounting, accounting policies, income, expenses, financial reporting, international standards of financial reporting, bank assets and liabilities, net profit, financial instruments, financial control.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаган тижорат банклари иқтисодиётни ривожланиши ва уларни сармоя билан таъминлашида муҳим ўрни эгаллайди ва уларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ресурсларини самарали, оқилона ва қонуний сарфланиш, уларни сарфланишини назорат қилиш, банк операциялари молиявий ҳисоботларини ҳаққоний акс эттириш банк тизимининг самарали ташкил қилинишига эришишига замин яради.

Тижорат банклари ўз операцион харажатларини банк Кенгаши билан келишилган ва банк Бошқаруви томонидан ҳар йил учун тасдиқланган «Бизнес режа» ва «Ҳисоб сиёсати» асосида амалга оширадидлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома», банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банк томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар [режасидаги](#) тегишли ҳисобварақлар таърифида белгиланган тартибда юритилади.

Банкларда моддий қимматликларнинг амалда мавжудлигини ва уларнинг сақланишини назорат қилиш учун улар банк томонидан даврий равишда, лекин камида йилда бир марта инвентаризация қилинади. «16561-Омбордаги асосий воситалар» ва «19921-Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинган моддий қимматликлар омборхонадан ёзма талабномалар бўйича берилади. Бу талабномаларни имзолаш ва омбордан материаллар беришга рухсат этиш ҳуқуқи берилган шахслар тўғрисида буйруқ чиқарилиши керак. Буйруқ нусхаси мазкур шахслар имзоларининг намуналари билан бирга омбор мудирига (омборчига) ва бухгалтерияга, ҳисобварақ бўйича ҳисоб юритадиган ходимга топширилади.

Ҳисобдор шахсларга бериладиган аванс маблағлари амалдаги эҳтиёжга қараб берилади ва улар фақат бевосита кўзланган мақсадларга, яъни хизмат сафарлари, хўжалик харажатлари ва бошқаларга сарфланиши лозим. Банкларда жамланма ва таҳлилий ҳисоб операциялари алоҳида бухгалтерия регистрларида қайд этилади. Синтетик ҳисоб юритишда Бош китобдан ва аналитик ҳисоб юритишда Ёрдамчи китоблардан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида МҲХСни қабул қилиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда, бироқ МҲХСни қўллашни жадаллаштириш ва халқаро ҳамжамиятга интеграция жа-

раёнида фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкилотларнинг вазибалари молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчиларга молиявий ва бошқа қарор қабул қилишлари учун ҳаққоний ва шаффоф маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этишдан иборат. Унинг статистика ҳисоботи ёки бошқарув ҳисоботидан фарқи ана шунда. Ўзбекистон Республикасида тижорат банки фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солинади, Марказий банк тижорат банкининг соғлом фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш учун ундан маълум ҳисоботлар талаб қилади.

Мазкур ҳисобот фақат банкнинг соғлом фаолиятини назорат қилишга йўналтирилганлиги боис, ушбу ҳисоботни статистик ҳисобот сифатида таснифлаш мумкин. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)нинг татбиқ этилиши ҳисобнинг ягона усуллари қўллаш орқали тижорат банклари ички бошқарув тизимини такомиллаштириш, манфаатдор томонларга банкнинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

МҲХСни қабул қилиш ва унга мувофиқ ҳисобот тақдим этиш глобал бозорда ягона молиявий ахборот алмашиш муҳитини яратар экан, бу жараён ўз навбатида, тижорат банкларининг ахборот шаффофлиги, ҳисобдорлик ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади. Шунингдек, МҲХС қўлланиши нафақат, тижорат банклари ликвидлигини балки, бозор ликвидлиги яхшиланиши, капитал бозорларининг ривожланиши, қимматли қоғозлар бозорларида савдолар қўламининг кенгайиши, хорижий инвестицияларнинг миллий бозорга кириб келиши ва инвесторларни ҳимоя қилишнинг такомиллашишига олиб келади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу ижобий натижаларга эришиш учун МҲХСни тижорат банклари ва миллий бозорда самарали татбиқ этиш чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

МҲХСни татбиқ этиш бўйича халқаро тажриба, айниқса банк тизимларининг тажрибасини ўрганиш ва ушбу жараёндаги муаммолар ва истиқболларни адолатли баҳолаш Ўзбекистондаги тижорат банкларининг МҲХСга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш жараёнига ўтиш даврида катта имконият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида банк ва банклар фаолиятини такомиллаштириш борасида мукамал меъёрий ҳуқуқий асоси, банк операциялари бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асоси яратилди. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни, “Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома, тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асосларига доир кўплаб низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар шарҳи. Бугун жаҳонда молиявий глобаллашув кучайиб бораётган шароитда банклар ўртасида рақобатбардошлик оширишда молиявий кўрсаткичларни тўғри акс эттириш, банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, яъни бухгалтерия сиёсатини ташкилий масалаларини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш шакли, ташкилий тамойиллари, усуллари ва хусусиятлари бўйича ушбу соҳада турлича ёндашувлар ва қарашлар мавжудлиги ушбу масалага эътибор бериш лозимлигини белгилайди.

Бу масалада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, шу жумладан акциядорлик жамиятлари ҳисобланган тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида алоҳида эътибор берилган. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24.02. февралдаги ПҚ-4611-сон қарорида алоҳида,

1. Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботи МХХС асосида эълон қилинишини таъминлаш чораларини кўриш.

2. Акциядорлик жамиятларида МХХС жорий қилинганлиги тўғрисида Молия вазирлигига ахборот тақдим этиш. масаласи белгиланган. Шундай экан тижорат банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида давлат секторида МХХС асосида ташкил этиш масаласини ечимини топиш зарур ҳисобланади. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида давлат секторида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартлар ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу масалада (Ибрагимов А.2020) томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: МХСС мақсади – “Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган МХХСга асосланган ҳисобот кенг қамровли бўлиб, ундан фойдаланувчилар-акциядорлар, инвесторлар, банк мижозлари, депозитор ва кредиторлар, Марказий банк ва бошқа юқори ташкилотлар, банк рақобатдошлари ва ҳамкорлари, банк ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслар ушбу ҳисобот маълумотларига таянган ҳолда молиявий, бошқарув ва бошқа соҳалардаги қарорларни қабул қилади.

Шу боис, тижорат банкларининг МХХСга асосланган ҳисоботи кенг қамровли ва қарор қабул қилишга таъсир қилувчи маълумотларни қамраб олиши лозим. Умуман, тижорат банки-

нинг ҳисоботи бу банкнинг юзи ва реклама воситаси ҳисобланади. Бироқ ҳисоботда фақат ютуқлар эмас, балки қарор қабул қилишда таъсир қиладиган барча ҳолатлар акс эттирилиши лозим. МХХС тамойилларига асосланган стандартдир, унинг моҳиятига чуқур кирилмаса ҳа-толикка йўл қўйилиши мумкин” (9, 45-б.).

Шунингдек, қабул қилинган стандартларни доимий равишда бир-бири билан мослаштириш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш бўйича умумий иш олиб боришдан иборатдир. МХХС – бухгалтерия ҳисобининг халқаро эталонидир. Бугунги кунда 40 дан ортиқ шундай стандарт ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Бугунги кунда, бухгалтерия ҳисобининг ҳақаро стандарти сифатида иккита эталон – Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – МХХС (International Financial Reporting Standards – IFRS) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидалари – БХУҚ (Generally Accepted Accounting Principles – GAAP) тан олинган.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган услубиётларни қўллаб ягона тизим бўйича ташкил қилинади. Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби унинг ҳисоб сиёсатида тўлиқ акс эттирилади. Тижорат банклари ўзларининг дебет ва кредит айланмаларининг катта-кичиклиги, харажатлар сметаларининг хажми, операциялар сони ва маълумотларни ишлаш воситаларидан фойдаланилишига қараб турли дастурий таъминотлар (IABS) асосида юритиб, бухгалтерия ҳисоби асосида аналитик дафтар, бош журнал ва бошқалар қўлланилади.

Ушбу масалада Ўзбекистонлик иқтисодчи-олим Ташназаров И. томонидан қуйидагича фикр билдирилган. Молиявий ҳисоботни МХХС элементларидан бири, “МХХС бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ва тайёрлаш ” молиявий ҳисоботнинг бешта асосий элементини аниқлаб беради, яъни:

- Актив;
- Мажбурият;
- Даромад;
- Ҳаражат;
- Капитал (15, 32-33-б.).

Ҳақиқатда ушбу элементларни тижорат банклари фаолияти самарадорлигини аниқлаш, молиявий ҳисоботнинг ташқи фойдаланувчилари ва банк кенгашига тақдим этиш орқали керакли маълумотлар базасидан фойдаланиш мумкин. Тижорат банкларининг ички банк операцияларига бевосита банк операцияларини бажариш билан боғлиқ харажатлар киритилади. Улар шунингдек, тўғри ёки ўзгарувчан харажат-

лар дейилади, уларнинг миқдори бевосита банк бажараётган операциялар ҳажмига боғлиқ бўлади.

Банк операциялар харажатлари таркибида жалб қилинган маблағлар учун тўланган ҳақ салмоқли ўринни эгаллайди. Бу ҳақ фоиз кўришида бўлганлиги сабабли улар фоизли харажатлар деб юритилади. Фоизли харажатлар банкнинг кредит ва инвестицион фаолиятида асосий ролни ўйнайди.

Мижозларга кредит характериға эға бўлмаган банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар асосан Марказий банк, банк-корреспондентлар, биржалар, процессинг марказлари, клиринг палаталари ва бошқаларнинг хизматлари билан боғлиқ бўлади. Одатда ушбу операциялар учун ҳақ амалға оширилган операция суммасига нисбатан комиссия шаклида олинади, шу сабабли ушбу харажатлар комиссия харажатлар дейилади. Комиссион харажатлар салмоғи умумий харажатлар таркибида кам бўлсада, улар ҳисоб-китоб, конверсион, кафолат, брокерлик, депозитар ва бошқа кредит характериға эға бўлмаган операциялар баҳосига ва даромадлигига таъсир кўрсатади.

Банк амалиётини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики юқоридагилар билан бирға бошқа банк операцияларига тегишли бўлган харажатлар ҳам мавжуд. Улар бошқа харажатлар деб аталади. Банк фаолиятини таъминловчи харажатларға банк функционал фаолиятини таъминловчи ва аниқ бирор-бир операцияға тегишли бўлмаган харажатлар киради. Буни иқтисодий назарияда эгри харажатлар ёки ўзгармас харажатлар деб аташади. Ушбу харажатлар кичик банкларда операция харажатлар билан деярли тенг бўлади, лекин катта банкларда улар операция харажатларға нисбатан анча кам бўлади. Сабаби улар жуда кўп жалб қилинган маблағлар билан ишлайди.

Ҳар бир банк ўзининг бюджетлаштириш тизимидан келиб чиққан ҳолда ушбу харажатларни таснифлайди. Масалан:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар;
- бинолар ва иншоотларға харажатлар;
- иш жойини жихозлаш харажатлари;
- реклама ва сотишни жадаллаштириш харажатлари;
- банк фаолиятини маълумотлар билан таъминлаш харажатлари;
- алоқа ва телекоммуникация харажатлари;
- транспорт харажатлари;
- банк функционал фаолиятини таъминловчи бошқа харажатлар.

Банк функционал фаолиятини таъминловчи харажатларни, шунингдек, бошқа меъзонлар бўйича ҳам бўлиш мумкин. Масалан:

- капитал характериға эға бўлган харажатлар;
- ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари;
- харажатларға ва фойдаға утказиладиган сарфлар;
- меъёрлаштирилладиган ва меъёрлаштирилмайдиган харажатлар (Жураев К.Н. 16-17-б.).

Ушбу мавзуда Тетерлева А.С. ва Ефременкова Т. томонидан шундай фикр билдирилган (11. С.46). Молиявий ҳисобнинг ҳалқаро стандартларига ўтишни режалаштириш жараёнида шуни эътиборға олиш керакки, тижорат банкларида харажатларни ҳисобини банк фаолиятиға боғлиқ жараёнларни жиддий қайта кўриш лозим. Даромадлар сингари бошқа харажатлар категориёсига кўзда тутилмаган вазиятларда юзаға келадиган тасодифий харажатлар киради. Бошқача қилиб, уларни банк фаолияти рискинни коплаш харажатлари деб айтиш мумкин. Бундай харажатлар банк смета харажатларига киритилмайди ёки ўтган даврдаги сингари ҳисоб-китоб қилинади. Бошқа харажатлар харажатларнинг нохуш элементларидан ҳисобланади ва кўпчилик ҳолатларда банк ходимларининг қонунчилик ва шартномаларни бўзиш ҳолатларида, банк кредит сиёсатида адашишлар натижасида, банк бошқарувида камчиликлар бўлганда юзаға келади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот методологияси тадқиқотнинг фалсафаси ва йўналишини белгилайди, тадқиқот дизайни, яъни тадқиқот муаммосининг ечими, тадқиқот учун зарур ахборотни олиш йўллари ва тадқиқот этикаси белгиланган. Бунда тадқиқот объектининг танлови (sampling) Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари олинган. Тадқиқот предмети бўлиб, тижорат банклари бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботлари, банк операциялари барча молиявий кўрсаткичлари, яъни банк активлари уларнинг таркиби таҳлилини амалға оширишда содир бўладиган амалиётлар ва усуллари.

Методология қисмининг мукамаллиги тадқиқот учун белгиланган йўлнинг ишончлилиги (reliability) ва аниқлилигини (validity) асослаш учун ҳалқаро стандартлар талаблари, мамлакатимиздаги тижорат банклари ҳисоб тизими ва уларни фаолиятини таҳлили орқали намоён бўлган. Тижорат банклари амалиётида бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартларини қўллаш натижасида янада юқори сифатли молиявий ҳисоботларни тузишға, шунингдек, банк тизими фаолияти натижаларини баҳолашға катта имконият яратилди, банк тизими бўйича мо-

лиявий ҳисоб ва статистик ҳисоботларнинг юқори даражада интеграциялашувини таъминлайди, ахборотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигининг ошиши ҳисобига банк активларини самарали бошқариш имконини беради.

Таҳлил ва натижалар. Шундай қилиб, тижорат банкларининг фаолиятини таҳлил қилиш натижасида тегишли харажатларни гуруҳлаштириш зарурати пайдо бўлади. Бунда тижорат банкларининг бошқа харажатлари категориясига қуйидаги харажатларни киритиш мумкин:

- тўланган штраф, пеня ва неустойкалар;
- ҳисобот даврида аниқланган утган давр харажатлари;
- банк мулкни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар;
- камомад, нақд пулларни, материал қийматликларни ўғирлаш, нақд пул ва тангаларнинг калбакилари чиқиш натижасидаги харажатлар;
- дебитор қарздорликни ҳисобдан чиқариш натижасидаги харажатлар;
- тўлиқ амортизацияланмаган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш харажатлари;
- захира ва захира фондлари етишмовчилиги бўлган ҳолатларда кредит қарздорликни ҳисобдан чиқариш харажатлари;
- мижозлар эътирозлари бўйича тўланган суммалар бўйича харажатлар;
- банк фаолияти билан боғлиқ суд ва арбитраж ишлар бўйича харажатлар ва бошқалар.

Биз биринчи гуруҳ олимлар фикрига қўшилган ҳолда даромадларни фоизли ва фоизсизга бўлиб, уларга қўшимча равишда бошқа даромадларни ҳам киритиш лозим, шунингдек, харажатларни фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларга бўлиш лозимлигини таъкидлаб утишни лозим деб топдик. Даромад ва харажатларни олиш тартиби бўйича таснифлаганда улар таркибини аниқ белгилаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк тизимида ҳам ушбу амалиётдан фойдаланилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси»да ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги № 584 йўриқнома бўйича 0204ИС «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тулдириш тўғрисидаги методик кўрсатмаларда банк даромадларини ва харажатларини шу тартибда ҳисобга олишда фойдаланилмоқда.

МХХСни жорий қилиш бир нечта босқичларни ўз ичига олади:

1. Ташкилотнинг Бошқарув ҳисобини ва бухгалтерия ҳисобига яқинлаштириш. Агар ушбу иккала бошқарув ўртасида тафовутни бўлиши келажакда ташкилотда жиддий муаммолар юзага келишидан далолат беради. Хужжатлардаги турли маълумотлар унинг ишончлилигини пасайтиради ва режалаштиришни мураккаблаштиради. Ушбу босқич ташкилот раҳбариятининг МХХСга ўтиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бунинг учун зарур бўлган ресурсларни баҳолашдан бошланади. Ташкилот раҳбари аввало, МХХС жорий этишда зарур билим ва кўникмаларга эга мутахассис бор – йўқлигини аниқлаши зарур.

2. Бухгалтерия ҳисобининг ягона методологиясини ишлаб чиқиш. Ҳисоблардаги зиддиятларни ҳал қилиш учун уларни синхронизация қилиш зарур. Хужжатларни солиштириш частотасини ошириб, ташкилот вақт ва ресурсларини сарфлайди, аммо тафовутларни асл сабабларини аниқлай олмайди. Ягона методологияни ишлаб чиқиш учун аудиторлик ташкилотларига мурожаат қилган ҳолда ташкилот (ёки компаниялар гуруҳи) хар бир бухгалтерия ҳисобининг барча турида муайян операцияларни акс эттириш талабларини белгилайдиган қоидалар тўпламини олади. Гуруҳга киритилган барча корхоналар учун эса ягона ҳисобот шакллари зарур. Ташкилот дастурий маҳсулотни танлашда, жорий қилиш харажатларини ва уни қўллашдан олинadиган самарадорликни ҳисоблаб чиқиши зарур. Автоматизация МХХСга ўтишда бир қанча енгилликлар туғдиради, аммо бугунги кунда МХХС ҳисобот тайёрлаш хизматларини кўрсатувчи компаниялар ўз хизматларини таклиф этишади. Бунда қоида тариқасида, автоматлаштирилган бухгалтерия тизимлари қўлланилади, бу операцион маълумотлар Ҳисоблар режаси (план счетов) юритилиб, МХХСга мувофиқлаштирилади.

3. Ўтиш санасида дастлабки балансни шакллантириш. Ташкилотнинг активлари ва унинг мажбуриятларини баҳолаш учун мустақил экспертларни таклиф қилиш тавсия этилади. МХХС биринчи марта қўллашда камида учта ҳисобот санаси танлаб олиниб улар бўйича хужжатларни тайёрлаш зарур. Ҳисобот саналарини аниқлаш учун акциядорлар, компанияга кредит берадиган молия институтлари ва инвесторларнинг манфаатларини ҳисобга олиш зарур. Ушбу маълумотлар сизга қоидаларга мувофиқ ҳисоботларни тайёрлаштиришни оптималлаштириш, аудит қанчалик зарурлигини аниқлаш ва корхонада ҳалқаро бухгалтерия бўлимини ташкил қилиш ёки ташқи маслахатчи экспертларни жалб қилиш фойдали эканлигини танлов қилиш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирда иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнида ҳар бир давлат, шунингдек Ўзбекистон банкларининг иқтисодиётда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

МХХСга ўтиш жараёнида тижорат банклари олдида бир қанча ижобий жиҳатлар ва қийинчиликлар кутаётганди. Таъкидлаш жоизки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда қийинчиликлар бўлиши табиий ҳолат. Энг муҳими, ушбу қийинчиликлар ортидан тижорат банкларининг келажакда эришиладиган фойдали жиҳатларни тасаввур қилиш зарур саналади. Шундай қилиб куйидаги хулосаларга келинди:

1. Тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини МХХСга мувофиқлаштиришда етарлича билим ва кўникмага эга салоҳиятли ҳодимлар етишмовчилиги натижасида тижорат банклари ханузгача ташқи аудит ёки аудиторлик фирмалари хизматларига мурожаат қилмоқда;

2. Яна бир асосий муаммолардан бири бу – “тил” муаммоси яъни МХХС нинг расман тан олган тили инглиз тили бўлиб, ҳаттоки катта ташкилотларда МХХСни таржима қилиш жараёнида муаммолар юзага келмоқда.

3. Бундан ташқари, МХХСни ҳозирги босқичида ҳам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи учун сифатли ва ҳамёнбоп дастурий таъминотнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд.

4. МХХСга трансформация қилиш жараёнининг техник тайёргарлиги халқаро стандартларга келтирилмаганлиги сабабли ҳар бир тижорат банк ушбу масалаларни акс эттирувчи жараённи батафсил тарзда ҳисоб сиёсатида ва унга илова бўлган буйруқ, низом ва йўриқнома-ларда акс эттириши зарур. Бу ҳисоб маълумотларнинг сифати ўсишига, тартиб таомил (процедура) ларнинг унификациялашувига ва харажатларнинг камайишига олиб келади.

5. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ташқи назоратга (аудит) устунлик берилган. Одатда назоратнинг ички турига кўпроқ аҳамият қаратиш талаб этилади. Чунки ички назорат тўғри ва самарали ташкил этилса, ташқи назоратга зарурат қолмаслиги халқаро стандартларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Манба ва фойдаданилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги (янги таҳрир) “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. //lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун. //lex.uz.
3. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. 2020 йил 24 феврал ПҚ-4611-сон. //lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони. //lex.uz.
5. Peculiarities of the accounting balance in modern management system U.S. Tursunov, A.K. Ibragimov // International Journal of Management, IT & Engineering, 2020. Volume 10. Issue 02. –P. 24-58
6. Budget control and audit: textbook. stipend/UN development program; Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan. Training center. A.K. Ibragimov, B.B. Sugurbaev - T.: publishing house” infoCOM. UZ, 2010.
7. International Financial Reporting Standards. A. Ibragimov, A. Karimov, N. Rizayev, N. Imamova. – T.: Moliya, 2018.
8. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ибрагимов А.К. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2021. 7-б.
9. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ибрагимов А.К., Умаров З.А., Ҳотамов К.Р., Ризаев Н.К. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2021. – 153 б.
10. Financial and management accounting. A. Ibragimov, I. Ochilov, I. Kuziev, N. Rizaev - Educational manual, 2008.458с.
11. Международные стандарты финансовой отчетности. Ефременкова Т., Тетерлева А.С. – Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 2016.
12. Сборник: Международные стандарты финансовой отчетности государственном секторе: Издание 2010 года. Официальный перевод. 2012. <http://minfin.ru/ru/budget/sfo/msfo>.
13. Ибрагимов А.К. Развитие бухгалтерского учёта в Узбекистане. // Бухгалтерский учёт, 2000. №17. – С.74.
14. Ибрагимов А.К. Организация перехода предприятий Республики Узбекистан на МСФО с применением современных информационных технологий. //Социально-экономическое развитие России и регионов. В цифрах статистики. Материалы IV международной научно-практической конференции: в 3 томах. Том 1. ФГБОУ ВО «Тамбовский государственный университет им. Г. Р. Державина», 2017.
15. Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т., 2017.-72б.
16. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джурбаев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. -224б.
17. <https://www.openinfo.uz>
18. <http://www.publicfinance.uz>.
19. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhriddin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. British Journal of Global Ecology and Sustainable Development, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
20. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
21. Исоев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. Iqtisodiyot Va ta'lim, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>